Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 19 ноябр Чоршанба.
№ 90 (14482)

## ЭЪТИРОФ

Ўзбекистонда эркин демократик жамият қурилаётганига гувоҳ бўлдик. Истиқлол йилларида бу ерда улкан ишлар амалга оширилганини кўрдик. Ўзбекистонда бундай демократик жараёнларни муваффақиятли амалга оширишга Америка раҳбарияти ва халқи хайриҳоҳ ҳамда ёрдам беришга доимо тайёр.

Биз Ўзбекистонга турли миллат ва дин вакиллари қандай аҳил ва иноқ яшаётганини ўрганиш учун ҳам келдик. Ва амин бўлдикки, бу борада биз, американликлар сизлардан ўргансак арзийдиган жиҳатлар кўп экан.

**Хиллари КЛИНТОН,**
**АҚШ Президентининг рафиқаси,**
**Американинг таниқли жамоат арбоби.**

## ПРЕЗИДЕНТ АНҚАРАГА ЕТИБ КЕЛДИ

АНҚАРА, 17 ноябр. **/ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади/.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Туркия пойтахти - Анқарага етиб келди.

«Эсенбўға» аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикасининг Давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Ислом Каримовни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл илиқ кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Президентимизга анвойи гуллар тақдим этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди. Замбарак садолари остида Ўзбекистон ва Туркия Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот беришди. Унда Ислом Каримовнинг Туркияга мазкур ташрифи икки мамлакатнинг барча соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишидан умид билдирилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Сулаймон Демирэл ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳига йўл олди.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Сўнгра Ислом Каримов ўзи учун махсус ҳозирланган «Жомли кўшк» қароргоҳи томон йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

## АНҚАРА УЧРАШУВЛАРИ

АНҚАРА, 18 ноябр.**/ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади/.**

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов турк халқининг буюк фарзанди Мустафо Камол Отатурк қабрини зиёрат қилди. Мамлакатимиз раҳбари Отатурк қабрига гул қўйиб, унинг музейидаги фахрий меҳмонлар китобига ўз дастхатини битди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳида Президентлар иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни замон талаблари асосида янада кенгайтириш, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш борасида фикр алмашилди.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда божхона, саёҳлик ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, фан ва технология соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркия қўшма комиссияси тўғрисидаги Протокол имзоланди. Ўзбекистон-Туркия муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма баёнотни Президентлар - Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл имзолади. Илгари имзоланган абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Консуллик Конвенцияси ҳамда фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги Шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримовнинг Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин, Бош вазир Месут Йилмоз ҳамда «Кочхолдинг» ва Туркия иш банки раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтади.

/ЎзА/



## МАМЛАКАТИМИЗ ФАХРИ

**"Қизилқумцемент ҳиссадорлик жамияти" қўшма корхонаси республикамиз саноатида етакчи ўринни эгаллайди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий мамлакатларда ҳам ўз харидорига эга.**

**Суратларда: (юқорида) корхона ишчилари -- З.Саидов ҳамда И.Эгамовлар. (пастда) корхонанинг умумий кўриниши.**

**А.ГЕРАСИМОВ фотолари**





**1991 йилнинг 18 ноябрида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ мустақил давлатимизнинг байроғи қабул қилинди.**

*Президент стипендияси совриндори*



## ШАРҚШУНОСЛАР САНАМИ

**Куни кеча газетамизда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорларининг рўйхати эълон қилинган эди. Шулардан бири Санам Мирзалиевадир. Кўпинча ёшларни илм ўрганишга эҳтиёжи йўқлигида айблашади. Бекор гап! Йигит-қизларнинг изланувчанлиги, интилиши бугун ҳар қачонгидан кучли.**

Сиз суратда кўриб турган қиз 1993 йилда ўрта мактабни фақат аъло баҳолар билан битиргач, Тошкент Давлат шарқшунослик институти иқтисод факультетининг Халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги бўлимига ўқишга кирган. Киши қанчалик камтар ва камсуқум бўлмасин, агар у интизомли, қизиқувчан, зийраклигу зукколик хислатлари соҳиби саналса атрофдагилар диққат-эътиборини, ҳурматини тезда қозона олади. Санамни ҳам ана шундай одамлар сирасига киритиш мумкин. Ўқув машғулотларига жиддийлик билан ёндошган талаба қиз фанларни қунт билан ўргана борди, Балки муштарийларга муболағадек туюларку, лекин у талабалар сафига қўшилганидан буён фанларни фақат аъло баҳоларга ўзлаштирмоқда. Инсон ақл, заковат, билимдонлик ва меҳнат талаб қиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олиши, дадиллик ҳамда ишонч билан ҳаракат қилмоғи лозим. Санам буни яхши билади. Шунинг учун ҳам қийинчиликларни осонгина енгиб ўтмоқда. Ўқишдаги аъло ютуқлари ва қўлга киритган муваффақиятлари туфайли бир неча йиллар мобайнида Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Муборак айём-- Истиқлолимизнинг 5 йиллик шодиёналари арафасида Санам Мирзалиева ҳукуматимизнинг юксак унвонларидан бири "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Танлаган мутахассислиги халқаро иқтисодий алоқалар бўлгани сабабли у халқаро маркетинг ва менежмент кафедраси билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб боради. Кафедра томонидан ташкил қилинган бир неча анжуманларда Санам тайёрлаган илмий маърузалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. "Буюк Британиянинг 80-йиллардаги иқтисодий тараққиёти", "Европа тикланиши ва тараққиёт банки ва унинг Ўзбекистондаги фаолияти", "Ливия жумҳуриятида 1969 йил инқилобидан кейинги иқтисодий ўзгаришлар", "Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсати ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда тутган ўрни" каби илмий ишлари аксарият олим ва мутахассисларнинг диққатини ўзига жалб этди.

Замонавий компьютер техникасини, чет тилларини пухта билиш давримизнинг асосий талабларидан бири бўлиб қолди. Чунки уларни эгалламай туриб дунёвий илмлардан воқиф бўлиш амри маҳол. Санам инглиз, араб ва турк тилида бемалол сўзлашибгина қолмасдан, хорижий адабиётлар асосида илмий маърузалар тайёрлай олади. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида "... биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади" дейилган. Келажакда юртимизнинг гуллаб-яшнаши эса айнан Санамга ўхшаган истеъдодли ёшларга боғлиқ.

**Назокат УСМОНОВА**

*"Камолот" — соғлом авлод учун*

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

Тасаввур қилинг, сизга шаҳар миқёсида ёшларнинг кўнгил очишлари, уларга соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш мақсадида анжуман ўтказиб, беш-олти минг ёшни жалб қилиш таклиф қилинса шу ишга бош қўшармидингиз?

Шаҳримизда ҳатто шундай ташаббусни ўзи кўтариб чиқувчи ёшлар ҳам бор экан. Булар республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси Юнусобод туман бўлими ходимларидир. Дарвоқе, мен бу туман жамғармаси раиси Фахриддин Абдужабборов билан кунчиқар мамлакат - Японияда ёшларнинг халқаро анжуманида иштирок этиб келганидан сўнг суҳбатлашгандим. Ўшанда у ўзимизда ҳам худди Японийдагидек халқаро лагерь ташкил этилишини орзу қилганди. Республикамизда шундай лагерь барпо қилиндиям. Унга ҳатто БМТ хамкорлик қилди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчисихонаси вакиллари, бошқа расмий кишилар, олимлар, ҳуқуқшунослар ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, у ерга ташриф буюришди.

Энди "Камолот"чилар кўп минг сонли ёшлар иштирокида соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш мақсадида шаҳар миқёсида катта анжуман ўтказмоқчи. Сирасини айтганда уларнинг бу ҳаракатига кўпчилик ишончсизлик билан қараган эди. Ўтиш даврида тўртта одамни бир жойга тўплаб, тадбир ўтказиш қийин, улар бўлса минглаб ёшларни йиғиб ақл ўргатмоқчими, деганлар ҳам бўлди. Лекин, тушунган, қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам топилди. "Камолот Лидер" масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамияти раиси Дмитрий Кўчқоров билан бирга улар бу ишга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги бўлимини жалб қила олдилар. Рекламага ҳам зўр берилди. Англия -Ўзбекистон"Растр" қўшма корхонасида тақвим ва афишалар ёздирилди.

Ёшлар тадбирга росмана тайёргарлик кўрдилар. Тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи Германиянинг СЕФЕ марказида 150 нафар ёш йигит-қиз бир ярим ой мобайнида ўқитилди. Бу марказда ўқишнинг ташкил этилишига сабаб анжуманнинг бош шиори "Дам ол ва пул ишла!" эди. Ташкилотчилар яна ёшларни иш билан таъминлашни ҳам олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Курсда ўқиган ёшларнинг 25 нафарига менежер-супервайзер сертификати топширилди. Ҳар бир қабул қилинган ёшлар билан шартнома тузилди. Шартномага кўра курсда ўқиш ҳуқуқини қўлга киритганларга 4 та таклифнома, биттадан тақвим ва афишалар улашилди.

Ниҳоят, ўша кун ҳам етиб келди. У "Туркистон" саройининг ёзги концерт майдончасида ўтказилди. Унга олти минг (!) ёш ташриф буюрди. "Олов", "Хит Шарқ", "Фирдавс" гуруҳлари ҳамда россиялик циркчиларнинг чиқишлари анжуман меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

-- Биз кўзлаган мақсадимизга етдик,- дейди Фахриддин анжумандан кейин ҳаяжонга тушиб,- анжуманга бутун харажатларни ўз бўйнига олиб, ҳомийлик қилмоқчи бўлган ташкилотлар ҳам топилди. Уларнинг шарти фақат фирмалари нишонини реклама қилишдан иборат эди. Биз олдимизга тамаки ёки спиртли ичимликларни ташвиқот қилишнимас, ёшларни соғлом турмуш кечиришга ундовчи рекламаларга кўпроқ эътибор бердик.

Ҳа, "Камолот"чилар ўз ниятларига етди. Бугун уларга ҳар хил нуфузли ташкилотлардан амалий таклифлар тушмоқда. Келгусида улар эришган ғалаба билан кифояланмай бошлаган ташаббусларининг фаолиятини кенгайтирмоқчилар. Улар бозор муносабати тобора шаклланаётган бир паллада фақат фойда кетидан қувмай, хайрли ишни ҳам эсдан чиқармасликни ўйлашмоқда.

**Суннат АЗЛАРОВ**

## ХАЛҚАРО ТАЛАБАЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

"Камолот" жамғармаси бошқаруви ва Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан ҳамкорликда 17 ноябр куни Тошкентдаги М. Горький номидаги театр биносида Халқаро талабалар куни муносабати билан катта байрам тадбири ўтказди. Унда "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Қ. Қуранбоев талабаларни байрам билан қутлади. Тадбирда қатнашган "Мўтти" театри, "Файз" гуруҳи, хонанда Влад Усмонов ва театр санъаткорлари иштирокида байрам томошаси намойиш этилди. Бундай байрам тадбирлари "Камолот" жамғармасининг вилоят, туман бўлимларида ва олий ўқув юртларида ҳам давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

*Ана холос!!!*

## ЖИЗЗАХДА ХОТИРЖАМЛИК

Шу кунларда республикамизда оммавий ахборот воситаларига 1998 йил учун обуна қизғин давом этмоқда.

Ёшларнинг республикада ягона "Туркистон" газетасига ҳам обуна қайноқ паллага кирган пайт. Республика "Камолот" жамғармаси бошқарувининг керакли кўрсатмалари эса вилоятларга деярли обуна республика бўйича эълон қилинган кунлари жўнатилган эди. Биз республика Матбуот тарқатиш уюшмасидан жойларда обунанинг бориши тўғрисида маълумот олганимизда шу кунгача, энг паст кўрсаткич, бор-йўғи йигирмата обуна бўлишга эришган Жиззах вилоятига тегишли эканлиги маълум бўлди. Обуна якунланишига эса бир ойдан ортиқроқ вақт қолди. Хўш, кўрсаткич нега паст?

Мазкур саволга жавоб топиш мақсадида Жиззах вилоятига сафарга чиқдик. "Камолот" жамғармаси вилоят бўлимига кириб борганимизда кун пешинга яқинлашган эди. Вилоят бўлими раиси Ҳ.Норчаевнинг таъкидлашича, "Обуна-98" тадбирига эндигина киришилаётган экан, Вилоят почта агентлигидаги маълумотлар ҳам юқоридаги кўрсаткич ўзгармаганлигини кўрсатди.

Бизни ажаблантиргани, вилоят, туман бўлимлари, жамоатчилик марказлари ўзлари учун ҳам обуна бўлмагани, ҳатто вилоят бўлимида 1997 йилги газета тахламларининг йўқлиги бўлди. Ёшлар сардорларининг аҳволи шу бўлса, обунани уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида гапирмасак ҳам бўларканда?!

Вилоятдаги аҳволни атрофлича таҳлил қилгандек бўлдик: Республика "Камолот" жамғармаси муассислигида чоп этилаётган "Туркистон" ёшлар газетасига обунани ташкиллаштириш бўйича жойларга кўрсатмалар ҳалигача берилмаганлиги маълум бўлди. Вилоятда тадбиркор, ишбилармон инсонлар раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилотлар талайгина, улар иштирокида болалар уйларида тарбияланаётган, кам таъминланган оилаларда вояга етаётган ёшларни обуна бўлишларини ташкил этишса савобли иш бўларди.

Қолаверса, Республика "Камолот" жамғармаси бошқаруви кўрсатмалари асосида иш юритилган тақдирда ҳам вилоят ҳозирга келиб энг паст кўрсаткичга эга бўлмасди.

**Ю.ЖЎРАЕВ,**
**"Туркистон" мухбири**

## Боткин қабристонидаги безорилик ҳаракатлари тўғрисида

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматидан олинган хабарга қараганда, шу йил 10 ноябрдан 11 ноябрга ўтар кечаси бир гуруҳ безорилар Боткин қабристонида 9 та даҳма устидаги ёдгорлик қабр тошларини ағдариб ташлаганлар. Бу ҳодиса ҳақида фуқаролар 11 ноябр куни соат 9 дан 39 дақиқа ўтганда шаҳар Ички ишлар бошқармасига хабар қилишди.

Шошилинч қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида, шунингдек Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаларининг ахборотлари бўйича милиция ходимлари жиноят изидан бориб, 11 кишини, шу жумладан 2 аёлни аниқладилар. Безорилик ҳаракатларида иштирок этган бу шахсларнинг ҳаммаси Европа миллатига мансуб кишилардир. Кўрилган чоралар натижасида улардан 5 киши ушланди. Мана уларнинг номлари:

1.Шипицин К.С. - 1978 йилда туғилган.
2.Виницин Л.Г. - 1978 йилда туғилган.
3.Пайгодин А.В. - 1980 йилда туғилган.
4.Табишчев Т.Х. - 1981 йилда туғилган.
5.Новиков А.В. - 1984 йилда туғилган.

Бу шахслар мазкур жиноятни содир этишганини тўла тан олишди. Ҳозир уларнинг қолган шерикларини қидириш ва қўлга олиш чоралари амалга оширилмоқда.

Аниқланишича, юқорида номлари келтирилган шахслар «Сатанисти» /»Шайтонпарастлар»/ яширин диний мазҳабининг аъзоларидир.

Архиерей падар Владимир бу ҳаракат безориликдан иборат бўлиб, мусулмон-насроний муносабатларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдирди. Падар Николай /Боткин қабристонидаги черков/ мухбирларнинг саволларига жавоб қайтариб, мазкур можаро безорилик эканлигини, айрим мазҳаблар тарафдорларининг провослав черковини таҳқирлашга уринишидан иборатлигини айтди.

Падар Николай мазкур воқеа юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилмаган. Ағдариб юборилган барча хотира қабр тошлари ҳозирги вақтда қайта тикланган.

/ЎзА/

*Азиз муштарийлар!*

**"ТУРКИСТОН"га обуна давом этмоқда.**

**Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; якка тартибдаги обуначилар учун 203,**

*"Туркистон" Сиз билан бирга!*



